

# ТИШОҲИЧ

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг газетаси

26 НОЯБРЬ  
1996 йил,  
СЕШАНБА  
№ 94 (341)

**БУ СОНДА:**  
2 **МАЎНАВИЯТ-ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ**  
3 **МУСТАҚИЛЛИК-МУКАММАЛЛИК**  
4 **ВАТАНИМ-ШИРИН ЖОНИМ**

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарори

#### Биринчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессиясини қақриш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилади: Биринчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси 1996 йил 26 декабрь куни Тошкент шаҳрида қақрилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ.**

Тошкент шаҳри,  
1996 йил 22 ноябрь.

**Олий Мажлис еттинчи сессиясининг муқоамасига қуйлаги масалаларни киритиш мўлжалланмоқда:**

1. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришнинг ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 1997 йилги иштибоқ курсаткичлари лойиҳаси тўғрисида.
2. Адвокатлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда киритилмоқда).
3. Нотариат тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда киритилмоқда).
4. Сийёсий партиялар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қону-

## «СИЗ ДАН ҲАРАКАТ...»

Ўзбекистонни замонавий бизнес оламида очилмаган қуриққа ухшаша бўлади. Илгчи куларни захираси дейсизми, хом ашё маъбаи, янги хизмат курсатиш тармоқлари, туризм, қўйинчи, сарможа жабҳасининг деярли барча тури билан мамлакатда қурқмасдан шуғулланиш мумкин. Шунинг учун бўлса керак, бугунги кунда кичик ва урта бизнесни ривожлантириш, малакали тадбиркорлар синфини шакллантириш жарасилари самарали амалга ошириб бораётган. Дарвоқе, мамлакатнинг иқтисодий имкониятларини рўбга чиқаришда айнан кичик ва урта тадбиркорликнинг аҳамияти катта. Чунки бу хилдаги тадбиркорлик ҳаракатлари йирик ва марказлашмаган бўлиб, энг сунти русумдаги технологияларга зудлик билан мослаша олиши важдан қимматлидир. Қолаверса, аҳолини тарқоқ яшайдиган вилоятларда кичик корхоналарнинг бисёр булиши аҳолини иш билан таъминлаш жарасинга унумли таъсир қўрсатади.

Аваламбор, бизнес-инкубаторлар жойларда тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган жисмоний ва юридик шахсларга «тадбиркорлик алифбоси»ни, яъни бизнес-режа тузиш жараянини ўргатади. Бу эса барча ишларнинг муқаддимасидир. Кейин вилоятда ҳўжалликнинг маълум тури билан шуғулланиш мумкинлиги ёки шарт эмаслигини аниқлайди. Масалан, олиб берилган кузатувлар натижада маълум бўлдики, ҳўжалликнинг 6 асосий тармоғи бўйича 80 турдаги кичик технологиялар республикамизнинг ўзида ишлаб чиқарилиши мумкин экан. Кичик ва урта бизнеснинг ўзига хос томони шундаки, у истеъмол бозори ёки хизмат курсатиш жабҳасида энг рақобатбардор технология билан қуролланган бўлиши лозим. Ана шу технологиялар захираси ўзимизда мавжуд бўлмаган тақдирда бизнес-инкубатор хориж инвестициясини жалб этиш воситаси билан янбу талабгор технологияларни олиб киради. Шу мақсадда республикамизда худудлар бўйича инвестиция ахтиёжи ўрганиб чиқилди.

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар, бозор иқтисодиётига ўтиш жараянлари алақондор бошлангачи қарамай, жойларда тадбиркорлик фаолиятининг

### Булғуси ҳосилни қўзлаб

Янгийул туманидаги «Тинчлик» жамоа ҳўжалиги аъзолари ҳар гектар майдондан 27,3 центнердан пахта олиб, режани бажаришди. Эришилган ютуққа Ҳ. Назаров, А. Усмонов, Қ. Аскарлов, А. Азимхўжаев, Ж. Райимбеков бошлиқ бригада ва эвенолар аъзолари баракали улуш қўшишди. Илгор жамоаларда пахта ҳосилдорлиги 29-31 центнерни ташкил этди.

Шу кунларда ҳўжалик пахтакорлари келгуси йил ҳосилни пахта замин ҳосиллашмоқда. Қўзғи-қинчи дала ишлари ушшоққоқлик билан олиб бориладир.

**Р. АБДУҚАЮМОВА.**

### «Кейс» қогонда

АҚШнинг «Кейс» компанияси қомбайнлари донни нес-нобул қилмай йиғиштириш олишда тағалкорлар отирини енгил қилганди. Шу кунларда маъмур компаниянинг ҳайлов тракторлари жойларда синовдан ўтмоқда. Жўмладан, Қогон туманининг Бўхоро жамоа ҳўжалигида ер майдонлари етита шундай трактор билан шўдур қилинди.

Бўхоро вилоятида тупроқ таркиби анча янб бўлиб, шўр ерлар анчагина майдонни ташкил этади. Ана шундай шароитда ҳам компаниянинг ҳар бир трактори билан кўнута 30 гектар ерни сифатли шўдур қилиш мумкинлиги аниқланди. Бу тажрибани кенг ейтиш мақсадида Қогон туманида семинар ўтказилди. Унда қишлоқ ҳўжалик мутахассислари, техника таъминоти ходимлари иштирок этдилар.

**«Ишоч» мухбири.**

### Қарор ва ижро

## ҲАММА НАРСА ОДАМАЛАР УЧУН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 21 майдаги «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасини қишлоқ иқтисодий инфрасуруктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Пешку тумани қишлоқларида ҳам аҳолини тоза ичмлик сувни ҳамда табиий газ билан таъминлаш, турли маданий маъшиий ишшооларни барпо этиш ишлари кенг қўламада олиб борилмақда.

— Хўжалигимиз ҳудудда, — дейди тумандаги «Маданият» жамоа ҳўжалиги бошқаруви раиси Ишон Отақулов, — 13 та қишлоқ бор. Уларда 1228 ҳўжалик бўлиб, 5600 дан ортиқ киши яшайди. Айни пайтда энг охири қишлоқнинг — «Саройчи»га газ монтаж қилинмоқда. Бошқа барча хонадонларда «зангори олов» ёнмоқда. Дарҳақиқат, бу ерда жўда қисқа муздига газ таъминоти ишлари амалга оширилди. Айни пайтда аҳолини тоза ичмлик сув билан таъминлаш чоралари қўрилмоқда.

Хўжалик марказида ундан ортиқ савдо ва маъшиий хизмат дўконлари ишлаб турибди. «Узоқ» кичик корхонаси ўз маҳсулотлари билан аҳолини хурсанд қилмоқда. «Мамур» ун заводи кенжақондўз мейхат аҳли хизматига. Қўн-кеча «Пешку» қишлоғи марказида Қишлоқ давлолиш пункти биноси қурилиб фойдаланишга топширилди. Бу ерда қишлоқ аҳолиси саломатлигини яхшилаш учун барча шарт-

Уз-ўзидан маълумки, бундай тадбиркорлик ҳаракатлари аллақандай бўш-ликда, дабдурустан пайдо бўлавермайди. Хар қандай ҳўжалик юритувчи субъектнинг шаклланиши учун табиийки, ташқи таъсир, қўллаб-қувватловчи куч бўлиши лозим. Утган йилнинг куз фаслидан бошлаб фаолият юрита бошлаган Ўзбекистон Республикасининг бизнес-инкубатори тадбиркорларга кўмак берувчи ана шундай куч сифатида майдонга келди. У ўз номи билан инкубатор, яъни тадбиркор ҳамда бизнесменларни «етиштириб» чиқарувчи нотажорат ташкилот ҳисобланади.

Бир йиллик фаолияти даврида республикамизда 20 тадан зиёд бизнес-инкубаторлар ташкил топганлигининг ўзи мамлакатда иқтисодий имкониятлар кенглигини курсатиб турибди. Бу қандай имкониятлар бўлди?

Маълумот учун: Бугунги кунда бизнес-инкубаторлар деярли барча ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ташкил этилган. Хўсуван, Бразилияда 16 та, Хитойда 32 та, Нигерияда 2 та, Туркияда 4 та турдаги бизнес ташкилотлар бор. Ушбу ташкилотларда 43 нафардан 318 нафарга қадар кишилар меҳнат билан банд. Хитойда бизнес-инкубаторлар учун 78 миң АҚШ долларини миқдорда инвестиция жалб этилса, Бразилияда бу рақам 236 миң, Туркияда 441 миң АҚШ долларини ташкил этади.

бироқлик билан шуғулланмоқчи бўлган жисмоний ва юридик шахсларга «тадбиркорлик алифбоси»ни, яъни бизнес-режа тузиш жараянини ўргатади. Бу эса барча ишларнинг муқаддимасидир. Кейин вилоятда ҳўжалликнинг маълум тури билан шуғулланиш мумкинлиги ёки шарт эмаслигини аниқлайди. Масалан, олиб берилган кузатувлар натижада маълум бўлдики, ҳўжалликнинг 6 асосий тармоғи бўйича 80 турдаги кичик технологиялар республикамизнинг ўзида ишлаб чиқарилиши мумкин экан. Кичик ва урта бизнеснинг ўзига хос томони шундаки, у истеъмол бозори ёки хизмат курсатиш жабҳасида энг рақобатбардор технология билан қуролланган бўлиши лозим. Ана шу технологиялар захираси ўзимизда мавжуд бўлмаган тақдирда бизнес-инкубатор хориж инвестициясини жалб этиш воситаси билан янбу талабгор технологияларни олиб киради. Шу мақсадда республикамизда худудлар бўйича инвестиция ахтиёжи ўрганиб чиқилди.

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар, бозор иқтисодиётига ўтиш жараянлари алақондор бошлангачи қарамай, жойларда тадбиркорлик фаолиятининг

моҳиятини теран тушуниб етмаслик, уни айниқса савдо-сотик билан шуғулланиш деб тор доирада англаш ҳоллари кўп учрапти. Тадбиркорлик фаолиятининг бундай ўз-ўзидан, тарқоқ ҳолда ривожланиши мамлакат иқтисодиётига у қадар фойдали йўқ. Бизнес-инкубатор ана шу тарқоқ ҳаракатларни бир мақсадга йўналтиришни олиб боради. Масалан, ўзбекистонлик тадбиркорларнинг экспортга чиқариётган маҳсулотларини мунофиқлаштириш билан бир-

### МЕХНАТКАШ МАНФАТНИ ЙУЛИДА

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароити алқаро ҳамкорлик ва тажриба алмашувларни кенгайтиришни тақозо этмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида Халқаро Меҳнат Ташкилоти вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Республика ҚУФК раисининг уринбосари, З. Қолиров қабулида утган учрашувда Халқаро Меҳнат Ташкилоти минтақавий бюросининг директори уринбосари Жеймс Уиндселл ва шу ташкилотнинг иш берувчилар фаолияти бўлимининг бош мутахассиси Рой Чакко иштирок этдилар. Учрашувда Тошкентда утадиган «Ўзбекистонда ижтимоий мулоқот, жамоа шартномаси ва трипартизм: талаб ва истиқболлар» мавзусидаги мислий семинар юзасидан ташкилий масалалар муқоамаси қилинди. Сўхбат чоғида меҳнат аҳли манфаатлари йўлида ҳўкумат, иш берувчи ва қасаба уюшмаларнинг уеқлама ҳамкорлигини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этиши таъкидлаб ўтилди.



Оқкуртон туманидаги «Гулiston» жамоа ҳўжалиги ер ҳайдовчиси Й. Носиров 26 йилдан бун трактор рулини бошқариб келади. Суратда: Й. Носиров Н. АВАЛЛОВ олган сурат.

### ФАХРИЙЛАР АНЖУМАНИ

22 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши ва шу кенгаш қонлидаги «Ўзветеран» уруш ва меҳнат фахрийлари корхоналари республика ассоциацияси бошқарувининг қўшма кенгайтирилган мажлиси бўлди. Унда фахрийлар маъмур уюшма ва ассоциациянинг Ўзбекистон фахрийларини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси таркибига кириши, ўз фаолиятини жамғарманинг Низоми, тузилмаси ва дастурий вази-фалари доирасида амалга ошириши ҳақида қарор қабул қилинди.

«Нуроний» жамғармасига Ўзбекистон Республикаси Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси ва фахрийлар корхоналари республика ассоциациясининг ҳуқуқий вориси бўлиш ҳуқуқи берилди.

Сузга чиққандлар жамғарманинг мақсад ва вази-фалари фахрийлар манфаатларига мос келишини алоҳида таъкидлаб, республика Президентига ва ҳўкуматига курсатилмаган доимий эътибор ҳамда таъмурилик учун миннатдорчилик изхор этдилар.

### Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «НУРОНИЙ» жамғармаси таъсис мажлисининг ВАКИЛЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ташкилий қўнута Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «НУРОНИЙ» жамғармасининг таъсис мажлиси 1996 йил 30 ноябрь соат 10.00 да Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг мажлислар заллида очилишини баҳар қилади.

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Правда Востока кўчаси, 24-уй.

Вакиллар «Тошкент» меҳмонхонасида жойлашадилар. Мажлис қатнашчилари 1996 йил 30 ноябрь эрталаб соат 8.00 дан бошлаб Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг мажлислар зали фойсисида рўйхатга олин-дилар.

Ташкилий қўнута.

### БИРЖА ЯНГИЛИКЛАРИ

Республика қўчмас мулк биржаси ва унинг вилоят бўлими-ларида утган ҳафтада 9 та қимомши ва 9 та биржа савдолари ўтказилди. Тадбиркор ва сарможаларга қўллаб-қувватлаш, ер майдонлари, автомобилларга еқилги қўйиш шахобчалари, турли русумдаги автомобиллар, қурилиш тўғалланмаган иншоотлар, кичик ва урта корхоналар, қишлоқ ҳўжалиги вазирилтига, «Ўзметавузузмавсавот» бирлашмасига қаранли иншоотлар тақсиф этилди. Ҳафта мўйайида 96 та иншоот сотилиб, ундан утган маблаг 19 миллион 593 миң сумни ташкил этди. Тошкент, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳар қўчмас мулк биржалари янши натижаларга эришилдилар. Ҳафта давомида ер майдонлари, автотранспорт воситалари харидорлиги бўлди. Фарғона, Хўразм, Сирдарё, Навоий қўчмас мулк биржаларида қўллаб ер майдонлари, автотранспорт воситалари хўсусийлаштирилиб, ўз эгаларига топширилди. Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳри ҳўқимиятига тегишли маълумур бино 1 миллион 510 миң сумга, Тошкент вилояти Қибрай туманидаги, «Дўрмон» жамоа ҳўжалигига қаранли сўт-ворлар фермасининг, мўл-мулкларини 5 миллион 640 миң сумга сотилди. Тошкент шаҳри, Акмал Иқромов туманида жойлашган қурилиш тўғалланмаган қоттедж биноси 2 миллион 750 миң сумга, Собир Раҳимов тумани, Сағбон кўчасида қурилган биноларли жойлашган 3 ва 4 хонали квартира 5 миллион сумга ўз эгалига топширилди.

Республика қимматли қозғолар биржасида бўлиб утган (19-22 ноябрь, 1996 йил) олдий акциялар савдосида 71 та ҳиссалор жамоалар қатнашди. Улар уларининг 211563 та акцияларини, сотиб, 111411555 сумлик маблагга эга бўлидилар. Бу савдо натижалари қимматли қозғолар бозорини кенгайтириб ва утга сармодорларни қизиқиб бораётганлигини курсатади. Шу ҳафтада Хўразм вилоят бўлими савдо алоқа тизимида уланди. Ҳудди шундай Қорақалпоғистон биржа бўлимининг ҳам марказий савдо алоқасида улаш ишлари олиб борилмақда. Бу муаммолар ҳал қилинган, «Республика қимматли қозғолар биржаси»нинг барча бўлимида бир вақтнинг ўзида баробар савдога қатнаши олдилар.

### «ОБУНА-97»

Ишонча обуна бўлиши учун таъминлангизми?

**Азиз муштарий!**

Севинми газетангиз «Ишончага обуна бўлдингизми? 1997 йил учун обуна давом этмоқда. Нашр индекси: якка обуначилар учун 64560, ташкилотлар учун 64561

## ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

**МОҲ МАМЛАКАТЛАРДА**  
Белорусла ниҳоят Президент ваколатларини кенгайтириш ва мамлакат мустақиллигига оид умумхалқ овоз бериш — референдум бўлиб ўтди. Мамлакат пойтахти нисбатан бошқа шаҳарлар ва жойлардаги сайловчиларнинг фаолиги қайд этилди. Президент Александр Лукашенко ҳаммаси референдум якунларига боғлиқ бўлишини таъкидлаган. Парламент билан келишмовчиликка қарамадан А. Лукашенконинг айтишича, мамлакатнинг юқори қонунчилик ташкилоти тарқатиб юборилмайди.

Россия Федерациясининг вилоятлари губернаторларини сайлаш жараяни давом этмоқда. Мамлакатнинг со-биқ вице-президенти Александр Рудков энциликда Кулск вилоятига раҳбарлик қилаётган. Губернаторликка номзодлар орасида шартма буйича бир неча марта жаҳон чемпиони Анатолий Карпов ҳам борлиги эътиборини жалб қилди. Айни замонда Россия Хавфсизлик Кенгашининг собик котиби Александр Лебедь ҳам мамлакат вилоятларидан бирита губернаторлик қилишини мўлжалламоқда, у бунга доир якуний фикрини келгуси ой урталарида маълум қилмоқчи.

Тоғли Қорабоғда президент сайлови бўлиб ўтди. Шу воқеа муносабати билан Озарбайжоннинг қатор жойларида норозилик митинглари ўтказилди. Маълумки, Тоғли Қорабоғ Озарбайжон таркибиде муҳторинга эга бўлишга қарама-сан у-узини мустақил деб ҳисоблаб, Арманистон таркибига қўшилиш учун зўр бериб ҳаракат қилмоқда. Озарбайжон раҳбарияти Тоғли Қорабоғдаги сайловларни ноқонуний деб ҳисоблайди. Айни замонда Озарбайжоннинг худудий яқинлигидеги минтақалор қатор давлатлар раҳбарлари ҳам шундай фикрга бўлиб турибдилар.

Қўшни Қозғистон фақат худудий жанжалдан эмас, балки табиий бойликлари жиҳатидан ҳам жаҳоннинг етакчи давлатлари сирасига қиради. Ана шу бойликлардан самарали фойдаланиш мақсадида Қозғистон нефть ва газ корхоналарини хўсусийлаштириш жараянини бошқариш идораларо комиссияси ташкил этилган. Халқ ҳўжалиги учун муҳим корхоналарни хўсусийлаштириш жараянида чет элларнинг йирик ташкилотлари ҳам қатнашиб, мулк эгаси бўлмоқдалар. Бундай корхоналарнинг хўсусийлаштирилиши пировард натижада енгилнинг нархи кутарилиб кетиб, аҳоли фаровонлигига салбий таъсир курсатмаслиги чора-тадбирлари ҳам олдиндан қўриб қўйилди.

Чеченистондаги вазият яқин уртда хайри изга тушиб кетиши эҳтимолдан ҳол эмас. Қўни кеча Москвада Россия бош вазири В. Черномырдин билан Чеченистон иттифоқ ҳўкумати бошлиғи А. Масхалов имзолаган муваққат шартнома шундан далолат бермоқда. Айни пайтда Россиядаги ҳўкуматта қарши кучлар бу шартномани Россия парчаланшининг бош-лаб берадиган ҳўжжат сифатида кескин танқид қилмоқдалар. Шу муносабат билан Россия Давлат думаси бу масалани жиддий муқоамаси қилиш ниязлида.

**ХОРИЖДА**  
АҚШ Президентини Билл Клинтон билан ХХР Давлат кенгашининг раиси Цзинь Цзюньми Филлипин поитхати Манильада олдий даражада узаро дашат таширлар қилиш ҳақида, умуман муносабатларни яхшилаш ҳақида келишиб олдилар. Билл Клинтоннинг айти-шича, яқинлашиб келаётган навбатида юз йиллик исқан йирик дашат муносабатлари даражаси юқори бўлишини талаб этмоқда.

Эфиопияда тегишли тайфанин океанга қўлаб тушишни бир жиҳатдан эътибордан ортиқ йўловчининг омон қилини имконини берди. Қутқарувчилар шунингдек 120 та ноқуд бўлашларнинг жасадларини ҳам топши-ди. Тайферада ҳаммаси бўлиб 175 киши булган. Еқилгиси тузган тайфера океанга қўлаб тушган. Тайферани эгаллаб олган террорчилар Аддис-Абеба-Абиджадан йуналиш буйлаб эмас, бошқа йуналиш буйлаб парвоз қилишни талаб қилиши шундай фожиага олиб келган. Омон қолган иккига террорчи ноқуд булган туққиз гўшагаси учун ҳам жавоб беришга турти қалади - улар қўлга олинган.

Штутгарт шаҳрида булган маҳлаҳатлашууда Зюрининг Шаркий қисмига қўнмиллатли тинчлик кучларини юбориш масаласида бир филтра келишмади. Айни пайтда муайян тақсифлар ишлаб чиқилди. Бу тақсифларни манфаатдор давлатлар ҳўкуматлари қўриб чиқадилар. Шу билан бирга Африка қитъасининг марказидаги қочқолар миқдорига доир турли филтрлар бидирилмоқда. Руанда ҳўкумати Женевада булган анжуманда Зюридан келган мислида қочқоларга ердам тарихасида бир миллиард немис марказидан қупроқ мадад қўратилишини талаб этди.

Фаластин аҳолиси Газо секторига яқудийлар учун турар-жой бинолари қурилишига қарши омманий норозилик бидирилмоқдалар. Фаластин раҳбарияти аҳолини айни шундай йул тутишга ундади. Бу эса ўз навбатида Исроил тўмонини тегишли чора-тадбирлар қуришга мажбур қилади.

Америкининг ўн беш ита-тид киши фаслининг доимий хасталиги - грипп кенг тарқалди. Шифокорлар грипп билан ортиралар декабрь ойида ана ҳам қутайиш мумкинлигини қайд этмоқдалар. АҚШда ҳар йили грипп хасталигининг отир тури билан ортиган йилгима минта яқин киши вафот этмоқда. Уларнинг аксариятини отир касалликлари кутара олмайдиан қарорлар ташкил этади.

Жаҳон ахборот агентликларининг материаллари асосида





